

## **IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ**

2020 йилнинг январь-июнида Республиkaning асосий капиталини кўпайтиришга 3576,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 62,8 фоизни ташкил қилди, шундан хорижий инвестициялар 984,3 млрд. сўмни ташкил этди.

### **Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

	млрд. сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
--	-----------	-----------------	----------------------

<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>3576,7</b>	<b>62,8</b>	<b>100,0</b>
--	---------------	-------------	--------------

шу жумладан:

<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>860,4</b>	<b>42,4</b>	<b>24,1</b>
бюджет маблағлари	296,0	41,0	8,3
Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамгармаси	47,4	116,8	1,3
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	49,0	18,6	1,4
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	468,0	46,8	13,1
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>2716,3</b>	<b>74,0</b>	<b>75,9</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	1347,4	114,0	37,7
ахоли маблағлари	267,8	35,8	7,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	516,3	37,5	14,4
тижорат банк кредитлари	572,0	165,0	16,0
бошқа қарз маблағлари	12,8	29,9 м.	0,3

**2020 йил январь-июнга асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>жами</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>3576,7</b>	<b>698,3</b>	<b>2878,4</b>
<i>ишу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	1826,3	665,2	1161,1
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари			
Бошқа ҳаражатлар	203,3	16,5	186,8

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан қурилиш-монтаж ишларининг улуши 2,0 фоизли пунктга ошганлиги, машина, ускуналар, транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари қиймати улуши 5,7 фоизли пунктга камайганини ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 3,8 фоизли пунктга ошганлигини кўрсатмоқда.

2020 йил январь-июнъ ойларида марказлаштирилган молиялаштириш манбаларига 860,4 млрд. сўм инвестиция маблағлари киритилиб, бу кўрсаткич жами инвестицияларнинг 24,1 фоизини ташкил этди, бу ўтган йилнинг январь-июнига нисбатан 42,4 фоизни ташкил этган. Хисобот даврида марказлаштирилмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2716,3 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди (жамига нисбатан улуши 75,9 %) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 74,0 фоизни ташкил этди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига 1347,4 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар жалб қилинди ёки жами инвестицияларнинг 37,7 фоизи ўзлаштирилди. Аҳолининг маблағлари ҳисобидан 267,8 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, жами инвестициялар ҳажмининг 7,5 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида 468,0 млрд. сўмлик хорижий кредитлар ажратилди, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 46,8 фоизга камайган ёки жами инвестицияларнинг 13,1 фоизини ташкил этади.


Шу билан бирга, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 584,8 млрд. сўм маблағлар киритилди (асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 16,3 %), бу ўтган йилга нисбатан 68,4 фоизли пунктга купайган, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 516,3 млрд. сўм (умумий ҳажмининг 14,4 %) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 37,5 фоизли пунктга камайган, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 49,0 млрд. сўм (улуси 1,4%) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,6 фоизни ташкил этган, Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 47,4 млрд. сўм ёки асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 1,3 фоизи микдорида инвестициялар киритилиб ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,8 фоизга ошган.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестиция ва кредитлар**


Ҳисобот даврида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни кайта ишлаш саноатига 690,6 млрд.сўм, кишлок, урмон ва баликчилик хужалиги фаолият турига 667,5 млрд. сўм, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашга 725,3 млрд. сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турига 311,7 млрд. сўм, ҳамда 236,2 млрд. сўм уй-жой қурилишига тўғри келди.

2020 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 8,7 фоизи (ўтган йилнинг мос даврига 27,8 %) электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турига, 20,3 фоизи тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолият турига (ўтган йилнинг мос даврига 94,0 %), 6,6 фоизи уй-жой қурилишига (ўтган йилнинг мос даврига 29,2 %), 5,7 фоизи ташиб ва сақлашга (ўтган йилнинг мос даврига 118,5 %), 18,7 фоизи кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалигига (ўтган йилнинг мос даврига 90,8 %), 19,3 фоизи (ўтган йилнинг мос даврида 52,7 %) кайта ишлаш саноатига ва 2,0 фоизи қурилиш иқтисодий фаолият турига тўғри келди (ўтган йилнинг мос даврида 56,8 %).


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталган  
киритилган инвестиция ва кредитлар  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



**2020 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби**



**Молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар,  
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



**2020 йилнинг январь-июнь ойларида молиялаштириш манбалари  
бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар**

	<i>Киритилган инвестициялар, млрд. сўм</i>	<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиши суръати, %</i>	<i>Умумий ҳажмдаги улуси, %</i>
<b>Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан</b>	<b>3576,7</b>	<b>62,8</b>	<b>100,0</b>
Республика бюджети	296,0	41,0	8,3
Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамгармаси	47,4	116,8	1,3
Тикланиш ва тарақкиёт жамғармаси	49,0	18,6	1,4
Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган чет эл кредитлари	468,0	46,8	13,1
Корхоналар маблағлари	1347,4	114,0	37,7
Тижорат банклари кредитлари	572,0	165,0	16,0
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	516,3	37,5	14,4
Аҳоли маблағлари	267,8	35,8	7,5
Бошка карз маблаглари	12,8	29,9 м.	0,3

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг энг юқори ўсиш суръатлари тижорат банк кредитлари 572,0 млрд. сум утган йилга нисбатан ўсиш суръати 165,0 фоизни ва корхоналарнинг уз маблаглари ҳисобига тугри келган, 1347,4 млрд. сум ва утган йилга нисбатан ўсиш суръати 114,0 фоизни ташкил этган.

**Январь-июнь ойларида асосий капиталга кириtilган  
инвестициялар, млрд. сүм**

	<i>2019 й.</i>	<i>2020 й.</i>	<i>2019 йилга нисбатан, фоиз хисобида</i>	<i>жасамы инвестициялардан түгридан-түгри хорижий инвестициялар хажми, минг АҚШ долл.</i>
<b>Қарақалпоғистон Республикаси</b>	<b>4765,9</b>	<b>3576,7</b>	<b>62,8</b>	<b>10217,5</b>
Нукус ш.	745,6	715,4	80,1	1695,8
<i>туманлар:</i>				
Амударё	108,7	106,0	81,8	229,0
Беруний	319,2	121,1	32,0	51,0
Бўзатов	4,7	12,1	212,3	-
Қонликўл	122,2	160,1	109,8	216,0
Қораўзак	206,6	119,9	48,4	286,3
Кегейли	67,4	86,6	107,4	594,2
Қўнғирот	453,9	546,9	100,6	5085,8
Мўйноқ	558,6	468,1	70,0	467,2
Нукус	157,7	88,6	48,0	470,0
Тахиатош	992,0	342,5	28,8	84,0
Тахтакўпир	30,5	56,5	154,2	-
Тўрткўл	323,7	202,2	52,8	120,0
Хўжайли	200,5	93,9	39,3	-
Чимбой	128,5	67,9	44,1	588,2
Шуманай	97,7	121,2	103,5	307,0
Элликқалъа	248,4	267,7	90,2	23,0


**2020 йил январь-июнь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм**

	Асосий капиталга киритил- ган инвестициялар эками, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича:				
		Республика бюджети	Корхоналар маблағлари	аҳоли маблағлари	Хорижий инвестициялар ва кредитлар	Хукумат кафолати остидаги чет ел кредитлари
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>3576,7</b>	<b>296,0</b>	<b>1347,4</b>	<b>267,8</b>	<b>984,3</b>	<b>-</b>
Нукус ш.	715,4	128,2	311,8	20,8	69,9	
<i>туманлар:</i>						
Амударё	106,0	2,8	11,0	16,3	56,2	-
Беруний	121,1	7,9	28,8	23,0	38,5	-
Бўзатов	12,1	2,7	0,4	4,4	3,4	-
Қонликўл	160,1	12,0	62,5	15,1	8,8	-
Қораўзак	119,9	3,1	58,4	6,8	14,5	-
Кегейли	86,6	11,2	34,4	9,0	20,0	-
Қўнғирот	546,9	6,0	224,8	15,4	219,9	-
Мўйноқ	468,1	55,6	323,9	20,5	33,3	-
Нукус	88,6	9,3	21,3	31,2	10,7	-
Тахиатош	342,5	5,7	41,0	9,5	222,3	-
Тахтакўпир	56,5	7,7	31,0	5,1	8,3	-
Тўрткўл	202,2	10,2	43,4	40,5	69,4	-
Хўжайли	93,9	1,3	40,7	14,8	7,3	-
Чимбой	67,9	15,1	27,1	7,9	8,4	-
Шуманай	121,2	4,1	52,4	6,7	12,4	-
Элликқалъа	267,7	13,1	34,5	20,8	181,0	-

*давоми*

	<i>Асосий капиталга киртилган инвестициялар жами, млрд. сўм</i>	<i>шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича:</i>		
		<i>Суёв таъминоти тизимларини риевожлантириши жамгармаси</i>	<i>Тикланни ва таракқиёт жамгармаси</i>	<i>тижорат банклари кредитлари ва бонка қарз маблағлари</i>
<b>Қорақалпогистон Республикаси</b>	<b>3 576,7</b>	<b>47,4</b>	<b>49,0</b>	<b>584,8</b>
Нукус ш.	715,4	12,2	-	172,5
<i>туманлар:</i>				
Амударё	106,0	5,6	-	14,1
Беруний	121,1	2,3	-	20,6
Бўзатов	12,1	1,2	-	0,0
Конликўл	160,1	2,0	-	59,7
Қораўзак	119,9	1,2	-	35,9
Кегейли	86,6	0,6	-	11,4
Қўнғирот	546,9	0,0	-	80,8
Мўйноқ	468,1	5,9	-	28,9
Нукус	88,6	0,4	-	15,7
Тахиатош	342,5	1,3	49,0	13,7
Тахтакўпир	56,5	1,2	-	3,2
Тўрткўл	202,2	2,6	-	36,1
Хўжайли	93,9	2,5	-	27,3
Чимбой	67,9	3,9	-	5,5
Шуманай	121,2	1,9	-	43,7
Элликқалъа	267,7	2,6	-	15,7

## **Январь-июнь ойларида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар, жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2878,4 млрд. сўмлик асосий капиталга инвестициялар киритилган булиб, жами инвестициядаги улуши 80,5 фоизни (2019 йил январь-июнига нисбатан 0,5 фоизли пунктига камайган) ташкил қилди.

### **Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**


2020 йил январь-июнида умумий майдони 201,7 минг кв.м. бўлган 1169 та уй-жой (2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 26,2 фоиз) шу жумладан қишлоқ жойларида 123,6 минг кв.м, 671 уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 236,2 млрд.сўми ёки 6,6 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари қурилишида 24,8 млрд. сўм атрофида инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,4 фоизини ташкил қилади.

**Қурилиш фаолияти.** 2020 йил январь-июнида 1930,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 90,9 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 65,1 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 16,8 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 18,1 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 57,5 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш хамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг  
ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**




**Корхоналар турлари бўйича  
қурилиш ишлари ҳажми, млрд.сўм**



Жами қурилиш-пудрат ишлари таркибидаги “Бино ва иншоотлар қурилиши” фаолият тури бўйича 1255,8 млрд. сўмлик ишлар бажарилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,3 фоизли пунктга камайди. Шунингдек, “Фуқаролик обьектлари қурилиши” фаолият тури бўйича 325,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,4 фоизли пунктга купайди. “Ихтинослаштирилган қурилиш ишлари” фаолият тури бўйича 349,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 0,5 фоизли пунктга купайди.


## **Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми, жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



Жами қурилиш ишлари ҳажмида янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари ҳажми 1110,5 млрд. сўмни ташкил этди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 819,5 млрд. сўмни ташкил этди.

2019 йил январь-июнь ойларига нисбатан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантириш ишлари 20,9 фоизли пунктга камайди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 13,9 фоизли пунктга купайди.

**Қурилиш ишлари турлари бўйича  
(жасамига нисбатан фоиз ҳисобида)**




**2020 йил январь-июнь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича  
қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм**

	2019 йил	2020 йил	2019 йилга нисбатан, % ҳисобида
<b>Қорақалпогистон Республикаси</b>	<b>1846,5</b>	<b>1930,0</b>	<b>90,9</b>
Нукус ш.	595,3	559,8	81,5
<i>туманлар:</i>			
Амударё	66,8	77,7	101,6
Беруний	135,2	115,0	74,2
Бўзатов	5,3	14,9	243,0
Қонликўл	38,9	44,8	100,8
Қораўзак	25,6	29,6	100,0
Кегейли	39,8	46,2	101,0
Қўнғирот	175,1	202,0	100,1
Мўйноқ	79,1	91,2	100,2
Нукус т.	102,0	117,2	100,5
Тахиатош	73,0	67,9	80,8
Тахтакўпир	39,5	68,4	150,1
Тўрткўл	170,3	197,2	101,1
Хўжайли	164,3	152,2	80,5
Чимбой	26,8	30,9	100,2
Шуманай	22,4	21,9	84,9
Элликқалъа	87,1	93,1	93,2

2020 йил январь-июнь ойларида республика бўйича қурилиш ишлари ҳажмида Нукус шаҳри (Республика бўйича жами қурилиш қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 29,0 %), Кўнғирот (10,6 %) ва Тўрткўл (10,2 %) туманлари юқори улушларга эга.


Шунингдек, республика миқёсида қурилиш ишлари ҳажмида энг паст улушлар Бозатов (республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 0,8 %), Шуманай (1,1 %), Қораузяк (1,5 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

### 2020 йил январь-июнь ойларида қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари



Ҳисобот даврида бажарилган қурилиш ишларининг юқори ўсиш суръати Бозатов (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 243,0 %), Тахтакўпир (150,1 %), Амударье (101,6 %), Тўрткўл (101,1 %) туманларида кузатилди.

**2020 йилнинг январь-июнь ойларида корхоналар турлари бўйича  
курилиш ишлари ҳажми,  
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**



■ йирик корхоналар ■ кичик корхоналар ■ норасмий сектор

Йирик корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг юкори кўрсаткичлари Кўнғирот (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 30,4 %), Тахиатош (24,5 %) туманларига тўғри келади.

Хисобот даврида Қараўзак, Нукус, Бозатов, Чимбой ва Шуманай, Қоңликүл, Беруний, Тўрткўл туманларида қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи йирик корхона ва ташкилотлар мавжуд эмас.

**Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишлари улуси,  
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**

